Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. 15 апрель 1971 йил, пайшанба ◆ № 86 (14.956). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ КУБА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 13 апрелда Куба Коммунистик партиясининг КПСС XXIV съездида қатнашган делегацияси билан учрашди. Делегация составида Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва секретариатининг аъзоси, Куба Республикаси Президенти О. Дортикос Торрадо (делегация бошлиғи), Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Р. Вальдес Менендес, Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, алоқа министри Х. Монтане Оропес ва Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Р. Гарсия Пелаес бор эди.

Учрашувда Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русанов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Куба Республикасидаги элчиси Н. П. Толубеев қатнашдилар.

Совет ва кубалик ўртоқлар ўртасида КПСС билан Куба Компартияси, Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан, шунингдек, ҳозирги халқаро вазиятнинг ҳар икки томонни қизиқтираётган масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди ва муҳокама этилган масалалар юзасидан қараш-ларнинг тамомила бир хил эканлигини кўрсатди.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ қарорларини АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИЖОДКОР МЕҲНАТИМИЗ—ВАТАНГА

ПАРТИЯНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

В. И. Ленин барпо қилган ва тарбиялаган Коммунистик партиямизнинг бутун жанговар йўли қаҳрамонона кураш ва революцион яратувчилик, улуғ бунёдкорлик ва тарихий ғалабалар йўлидир. Бизнинг шонли ғалабаларимиз ва илҳомбахш планларимиз, ҳозирги кунда совет халқи ҳақли равишда фахрланаётган, тараққийпарвар инсониятни қойил қолдираётган нарсаларнинг ҳаммаси Ленин партиясининг ғоят улкан фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Партиянинг сиёсий донишмандлиги, ташкилотчилик қудрати, букилмас иродаси Советлар мамлакатининг коммунизм тантанаси сари ишонч билан ташлаётган қадамида ўз ифодасини топди.

КПСС XXIV съезди партиямизнинг кучини ва мустаҳкамлигини, марксизм-ленинизм байроғи остида монолит жипслигини кўрсатувчи янги жуда ёрқин намойиш бўлди. Совет коммунистларининг олий анжумани ўтган йиллар ичида партия янги тажриба билан бойиганлигини, ички ва халқаро ишларда ўзининг принципial реалистик йўлини изчиллик билан ва оғишмай амалга ошираётганлигини, партиянинг, партия Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини бутун совет халқи тўла равишда маъқуллаётганлигини яққол кўрсатди.

Ленин коммунистлар партиясини жамиятни социалистик қайта қуриш учун курашда раҳбар ва раҳнамо куч қилиб воғга етказди. Улуғ Октябрь арафасидаёқ у бундай деб ёзган эди: «Марксизм ишчилар партиясини тарбиялаш билан пролетариат авангардини, ҳокимиятни қўлга олишга ва БУТУН ХАЛҚНИ социализм томон ОЛИБ БОРИШГА, янги тузумга йўл кўрсатиш ва ташкил этишга, барча меҳнаткашларга устозлик, раҳбарлик ва йўлбошчилик қилишга қодир бўлган авангардни тарбиялайди...»

Бу сўзлар ёзилган вақтда партия сафида 240 минг киши бор эди. Ҳозирги кунда совет коммунистлари армияси ўсиб, 14 миллион дан ошиб кетди. Партия мақсаднинг муштараклиги, қарашлар ва ҳаракатларнинг бирлиги билан маҳкам жипслашган ишчилар, колхозчилар, зиёлилар илғор намояндаларининг ажойиб монолит бирикмасини ўзида мужассамлантиргандир. Пролетариат партияси бўлиб вужудга келган КПСС бутун совет халқининг авангарди, бутун ижтимоий системамизни уюштирувчи ядро бўлиб қолди.

Коммунистик бунёдкорлик кўлами нақадар кенгайиб борса, ҳал қилинадиган проблемалар нақадар мураккаброқ бўлса, оммага бош бўлиб бораётган партиянинг роли ва масъулияти шу қадар юксак бўлади. Жамият тараққиётининг бош истиқболини, тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқиш ва меҳнаткашларни мана шу сиёсий йўлни амалга оширишга сафарбар қилиш — КПСС фаолиятидаги асосий иш бўлиб қолди. Бизнинг бутун воқелигимиз партия Ленин йўлидан қатъият билан бораётганлигини, ишчилар синфининг, меҳнаткашларнинг, бутун совет халқининг сиёсий раҳбари бўлиш ролини шараф билан бажараётганлигини кўрсатиб турибди.

КПСС XXIV съезди навбатдаги беш йилликка мўлжалланган сиёсий йўлни ва ишларнинг конкрет программасини белгилаб берди. Бу программани муваффақиятли бажармоқ учун партия ва халқнинг барча кучларини сафарбар қилмоқ керак. Партия ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти мана шунга қаратилиши лозим. Съезд партиянинг раҳбарлик ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ошира бериш, барча коммунистларнинг, барча совет кишиларининг қарашлари ва ҳаракатлари бирлигини оғишмай мустаҳкамлашга эриша бериш зарурлигини уқтириб ўтди.

Партиямиз ва унинг Марказий Комитети партия ички демократиясини изчиллик билан ривожлантириб, партия турмушининг ленинча нормаларига риоя қилиш, коммунистларнинг активлигини нучайтириш йўлини ўтказиб келмоқда. Съезд Ленининг ташкилий принципларига таяниб, бу принципларни ҳозирги шароитга татбиқан ривожлантириб, партия сафларини ташкилий ва сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга қаратилган қарорлар қабул қилди. КПСС съездларини ҳамда иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларини, партия конференцияларини ўтказишнинг съезд тайинлаб берган янги муддатлари, бошланғич партия ташкилотларининг маъмурият фаолиятини контроль қилиб туриш ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги партиянинг барча бўғинларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Кейинги йилларда партияда ва мамлакатда ишчанлик, ўртоқларча ҳамжиҳатлик, одамларга нисбатан ишонч ва ҳурмат ва шу билан бирга юксан даражада талабчанлик, принципиаллик вазияти мустаҳкам қарор топди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда айтиб ўтганидек «...Бирлик ва жипслик, В. И. Ленин қатъий равишда талаб қилиб келган, партиямизни қудратли ва енгилмайдиган қилиб қўйётган ҳақиқатан ахил бўлиб ишлаш руҳи ҳозирги кунда партиямизда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳукмрон бўлиб турибди. Биз Ленин васиятига содиқ бўлиб, партиямиз сафларининг мана шу бирлигини бундан буён ҳам авайлаб сақлай берамиз, ҳар доим мустаҳкамлай берамиз!».

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакат меҳнаткашларининг барча социал табақалари ва группалари туб манфаатларини ифодалайди. Партия сиёсатини халқ яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. КПСС XXIV съездининг қарорларини совет кишилари нақадар руҳланиб ва завқланиб нутиб олганликлари бунинг учун янги далил бўла олади.

Партия ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, зиёлиларнинг муносиб намояндаларини қабул қилиб, шулар ҳисобига ўз сафларини мустаҳкамламоқда. XXIII съезддан кейин ўтган вақт ичида партия сафига уч миллион киши қабул қилинди. Партия ташкилотлари партияга қабул қилишга диққат ва эътибор билан қараётганлиги ва ҳаракатларнинг нисбатан талабчанлик кучайтирилди. Съезд партия сафларининг сифат составини янада яхшилаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолиши лозимлигини уқтириб ўтди.

КПССнинг кучи — коммунистларнинг ғоявийлиги, активлиги, фидокорлигидадир, Партия совет халқини улуғ яратувчилик вазифаларини ҳал этишга бошлаб бормоқда. Ҳар бир коммунистнинг ғоявий ва ахлоқий фазилатлари нақадар юксак даражада бўлса, партиянинг маънавий обрўйи шу қадар баланд бўлади. Ҳар бир коммунист онгли сиёсий курашчи бўлиши, ҳамиша ва ҳамма жойда Ленин партиясининг аъзоси деган номни муқаддас тутмоғи лозим.

Бизнинг партиямиз илмий коммунизм партияси. Коммунистик қурилишнинг барча босқичларида партиямиз марксизм-ленинизм фанига оғишмай амал қилиб келмоқда. Кейинги йилларда партиянинг назарий фикри кўпгина муҳим проблемаларга доир янги хулосалар ва қоидалар билан бойиди. Абадий барҳаёт — ривожланиб бораётган таълимот бўлган ленинизм партия ғоявий турмушининг марказида бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, партиянинг бутун революцион ўзгартирувчи фаолиятига негиз бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор программа коммунистларни, барча совет кишиларини меҳнатда янги бунёдкорликларга руҳлантирмоқда. Қиладиган маройи ва ажойиб ишларимиз ҳали кўп. Бизни қизғин, фидокорона меҳнат йиллари кутмоқда. Халқимиз съезд қарорларини батамом ва тўла равишда маъқуллаб, жонажон партия белгилаб берган буюк режаларни ўз кучини аямай амалга оширишга тайёр эканлигини изҳор қилмоқда.

(«ПРАВДА»нинг 14 апрелдаги бош мақоласи).

ПАРРАНДАБОҚАРЛАР ҒАЛАБАСИ

АНДИЖОН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Область паррандабоқарлари тухум тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 9 миллион 205 минг дона тухум топширилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 миллион дона кўп. Хўжаобод, Қўрғонтепа, Москва, Избоскан районлари хўжаликлари бу ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, Ленин районн чорвадорлари сут тайёрлаш тўрт ойлик планини адо этдилар. Совлиқлардан қўзи олиш топшириғи ҳам 102 процент бажарилди.

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Абдурашид Знёдуллаев бошлиқ бригадаси районда биринчи бўлиб чигит экишни тугаллаган эди. Ҳозир бригада ерларига экилган чигит тўлиқ униб чиқди.

Бригада аъзолари бу йил гектар бошига 45 центнердан ингичка толали пахта етиштиришга аҳд қилишган.

Шу колхознинг У. Аҳмедов, А. Жумаев, У. Суюнов бошлиқ бригадаларида ҳам чигит бир текис униб чиқмоқда.

Н. ХУДОЕРОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг пахтакорлари шу кунларда чигитни жадал экмоқдалар. Бу йил чигит экиш колхозда ўтган йилга қараганда бир ҳафта илгари бошланди. Чигит экиш билан бир вақтда далаларга минерал ўғитлар ҳам солинмоқда. Суратда: колхознинг энг яхши сеялкачиларидан А. Бўтаев (чапда) ва бригадир У. Охунов пахта майдонида.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

ОЛИМЛАР—ТОШКЕНТ МЕҲМОНИ

14 апрелда Тошкентда СССР Фанлар академияси умумий физика ва астрономия бўлими билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимининг сайёр илмий сессияси очилди. Бундай сессия республикамизда биринчи марта ўтказилмоқда.

СССР Фанлар академияси умумий физика ва астрономия бўлимининг академик-секретари академик Л. А. Арцимович ана шу илмий анжуманни очиш вақтида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда физика ва астрономияни ривожлантиришда муваффақиятлар қўлга киритилганлигини таъкидлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов республика Фанлар академияси номидан меҳмонларни таб риклади. У сессия Ўзбекистонда фанни янада ривожлантиришга ёрдам беради, деди.

Сессиянинг биринчи куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академикларидан С. А. Азимовнинг физика ва астрономия соҳасидаги тадқиқотлар н и н г асосий йўналишлари тўғрисида, В. П. Шчегловнинг республикада астрономияни ривожлантириш истиқболлари ҳақида, У. О. Ориповнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтида қаттиқ жисм сиртига атом заррачаларининг ўзаро таъсири соҳасидаги тадқиқотларнинг аҳволи ва бу тадқиқотларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида, Э. И. Адировичнинг ингичка ярим ўтказгичлар плёнкаларида фотоэлектрик ва фотомагнит эффектлар ҳақида ва республика Фанлар академияси физика-техника институти лабораториясининг мудири М. С. Сандовнинг ярим ўтказгичларда аралашмаларнинг биргали к д а тақсимланиши тўғрисида қилган докладлари тингланди.

Сайёр сессия ишлари давомида мамлакатимизнинг таниқли физиклари ва астрономлари Ўзбекистондаги илмий институтларга бориб, бу ерларда ўтказилаётган тадқиқотлар билан танишадилар, ҳозирги замон фанининг муҳим проблемаларини Тошкент олимлари билан биргаликда муҳокама қиладилар. (ЎзТАГ).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1971 йил 13 апрель № 71 Москва шаҳри.

Белгиланган хизмат муддатини ўтаган ҳарбий хизматчиларни 1971 йил май—июнь ойларида СССР Қуролли Кучлари сафидан бўшатиш ҳақида ва гражданларни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида.

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ, **буюраман.**

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддати 1971 йил 1 июлгача тамом бўладиган ҳарбий хизматчилар 1971 йил май—июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан ушбу буйруқнинг биринчи моддасига мувофиқ, чақириқ кунигача 18 ёшга тўлган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек чақириқ муддатини узайтириш фурсати ўтиб кетган катта ёшдаги гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва ҳарбий кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали

А. ГРЕЧКО.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет музика маданиятини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва саксон ёшга тўлганлиги муносабати билан композитор Имом **Икромовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Ўзбекистон ССР областларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида 1971 йил 14 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар, иккинчи стун—экилган чигит (минг гектар ҳисобида); учинчи стун — планнинг бажарилиш проценти, тўртинчи стун — экилган маккажўхори (минг гектар ҳисобида); бешинчи стун — планнинг бажарилиш проценти.

Тошкент	123,8	89,2	15,2	75,2
Сурхондарё	103,4	84,1	9,5	94,9
Андижон	144,0	78,1	10,4	93,5
Сирдарё	211,1	74,4	12,4	67,7
Наманган	98,5	73,0	10,8	74,6
Бухоро	105,7	68,7	10,2	97,7
Қашқадарё	64,2	61,4	8,3	83,6
Фарғона	95,3	50,0	8,5	48,3
Самарқанд	64,0	36,8	13,0	63,1
ҚҚ АССР	1,2	1,0	0,2	1,3
Хоразм	0,6	0,6	0,4	3,7
Республика бўйича:	1011,8	59,1	98,9	62,2

СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИ—ОММАГА

ЁШЛАР ҲУЗУРИГА

Ўзбекистон комсомол ташкилотлари «КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга» деган шиор остида съезднинг тарихий материалларини ёшлар ўртасида кенг пропаганда қилишга киришдилар. Комсомол комитетларининг йўлланмаси билан лекторлар, пропагандистлар ва сиёсий докладчиларнинг кўпгина группалари республиканинг корхоналарига, колхоз ва совхозларига йўл олдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика «Билим» жамияти правлениеси ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ўюштирган агитбригадаларнинг махсус поезди куни кеча пойтахт вокзалидан Фарғона ва Зарафшон водийларига қараб йўлга тушди.

Агитбригадалар составида республика комсомоли Марказий Комитетининг секретарлари ва масъул ходимлари, «Билим» жамияти правлениеси ва Маданият министрлигининг раҳбарлари, ёш олимлар, тарихчилар, философлар, экономистлар, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари ва техникумларининг ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, пойтахт маданият саройларининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари, театрлар, музика мактаблари ва билим юртларининг ниқодий коллективлари бор.

Агитбригадаларнинг аъзолари Фарғона водийси деҳқонлари, Қарши ва Шеробод даштининг чўлқуварлари, Зарафшон олтин қазувчилари ҳузурида бўлиб, лекциялар ўқийдилар, концертлар кўрсатадилар. Улар энг чекка жойлардаги яйловларнинг чўпонлари ҳузурига ҳам борадилар. Лекторлар ва концерт бригадаси аъзоларининг катта группаси самолётда Хоразм пахтакорлари ва Орол балиқчилари ҳузурига учиб кетишди. Агитгруппаларнинг кўп сонли коллективи Сурхондарё меҳнаткашлари ва Сирдарё областининг пахтакорлари ҳузурига йўл олишди. Съезд материалларини ҳар бир ёш меҳнаткашга, ҳар бир йигит ва қизга тушунтириш улар олдига қўйилган асосий вазифадир.

Н. КОВАЛЕВ.

МЕҲНАТКАШЛАР МАМНУН

Наманган область партия комитети бюроси КПСС XXIV съезди материалларини меҳнаткашларга етказиш юзасидан бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди.

Обком аъзолари, аъзоликка кандидатлар ва масъул ходимлардан иборат 161 сиёсий ахборотчи ва штатсиз лекторлар шу кунларда область меҳнаткашларига съезд материалларини пропаганда қилишга киришдилар. Олий ўқув юртлари, саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар ҳамда турли муассасаларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия XXIV съездига қилган ҳисобот доклади, тўққизинчи беш йиллик плани юзасидан съезд Директивалари ва бошқа материаллар кенг меҳнаткашлар оммасига етказилянти.

* * *

Партия сиёсий маорифи учун малакали пропагандистлар тайёрлаш мақсадида бундан тўрт йил муқаддам республикада биринчи бўлиб Наманган шаҳар партия комитети қошида кечки марксизм-ленинизм университети сиртқи бўлими очилган эди. Бўлим тингловчилари КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа ва ўрта мактабларда жамиятшунослик фанларини ўқитиш бўйича пухта билим олдилар. Яқинда шу бўлимни 370 киши битириб чиқди. Уларга «Партия маорифи системаси учун олий маълумотли пропагандист» деган диплом берилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧАВАНДОЗЛАР МУСОБАҚАСИ

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ СОВРИНИ УЧУН

Спортнинг барча турлари ҳам яхши. Чунки спорт кишини куч-қудратли, дадил, чаққон қилади, ҳар бир кишининг маҳоратини ошириб, иродасини чиниқтиради. Лекин ана шу спорт турлари орасида яна бири борки, унда спортга хос барча ранг-баранг бўёқлар ўз ифодасини топгандир. Спортнинг бу тури от спортидир. Суворийнинг сурати қадим замонлардан мардлик рамзи бўлиб келганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг совринини олиш учун ўтказиладиган катта байрам—мусобақа халқ севган ана шу спорт турига бағишланади. Бу мусобақа 26 апрелдан 3 майгача ўтказилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари Ю. П. Егоров ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни маълум қилди:

— Спорт байрамининг программаси кенг ва ранг-барангдир. Бу программа от спортининг кўпгина турлари, чавандозлар мусобақаси — чавандозлик ва от спортининг бошқа классик турлари киритилган. Халқ чавандозлари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар, албатта. Мингминглаб йигитлар ўзларининг чаққонлиги, отни ўз иродаларига бўйсундира олиш маҳоратини намойиш қилиш, маррага бамисоли шамолдек елиб биринчи бўлиб етиб келиш учун курашга шай бўлиб туришибди...

Мусобақаларда Ўзбекистон ва Тошкент областининг, шунингдек Тожикистон ва Туркманистоннинг терма командалари иштирок этадилар. 2 май куни область марказларининг спорт базаларида ҳам байрам қилинади. Спорт жамиятларининг коллективлари, колхоз ва совхоз чавандозлари, хуллас бутун республика байрамда иштирок этади.

Уша куни, жумладан, тўсиқларни енгиб ўтиш ва волтижировка юзасидан биринчиликни эгаллаш учун мусобақа ўтказиш мўлжалланади. От спортининг айрим турлари бўйича эришилган натижалар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети катта совринини ким қўлга киритишини аниқлаб беради.

Бу байрам от спортининг чиннам кўрки бўлади. Ўзбек чавандозлари кўпгина катта-катта мусобақаларда фахрли ўринларнинг энг юксак даражасига кўтарилиш шарафига бир неча бор муяссар бўлишган. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда спортнинг шу турини ривожлантириш юзасидан бир қанча тадбирлар кўрилди. От спорти бўйича олий маҳорат республика мактаби ўз фаолиятини нучайтирмоқда. Бу мактаб зиммасига область мактабларига методик раҳбарлик қилиш вазифаси юкланган. Колхоз ва совхозларнинг физкультура коллективларида от спорти секцияларн тузиш кўзда тутилган. Республика от заводлари ўз ишини яхшиламоқда. Бу заводларда маҳаллий улоқчи отларнинг зоти яхшиланмоқда.

От спорт байрами республика XV спартакиадасига ва СССР халқларининг V спартакиадасига тайёргарлик кўришда муҳим босқич бўлади. (ЎзТАГ).

«БИЗНИ ФИДОКОРОНА ВА ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТ ЙИЛЛАРИ КУТМОҚДА. СЪЕЗД РЕЖАЛАРИНИ БИЗ ШУ ЙЎСИНДАГИНА РЎЁБГА ЧИҚАРА ОЛАМИЗ.»

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезд ёпилиши вақтида сўзлаган нутқидан.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ

ДИРЕКТИВА ОБЪЕКТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ИШГА ТУШИРАЙЛИК!

Тўққизинчи беш йилликнинг зарбдор қурилишлари — Директива объектлари харитаси.

УЛКАН ТУЯМЎЙИН

Партия ва ҳукуматимизнинг Туямўйин гидроузели қурилиши тўғрисида қабул қилган қарори Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, айниқса пахта етиштиришни кўпайтириш, халқ фаровонлигини тинмай ошириш ҳақидаги доимий ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Ҳозирги вақтда улкан Туямўйин гидроузели умумхалқ қурилиши деб эълон қилинди. Бу ерда кенг кўламда иш бошлаб юборилди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларида Туямўйин гидроузели қурилишини жадаллаштириш алоҳида қайд қилинган. Хоразм воҳаси меҳнаткашлари бу хушхабарни зўр мамнунлик билан кутиб олдилар.

Туямўйин гидроузели қурилишини тезлатишни ҳаётнинг ўзи тақозо этяпти. Бундан буён Хоразмда, шунингдек, бутун қуйи Амударё этакларида пахтачилик, шоликорлик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини интенсив ривожлантирмоқ учун йиллинг ҳамма фаслларида лозим бўлган миқдорда сув олиб туриш ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Чунки Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларида йирик каналлар қазилиб, суғориш ишлари ривожлантирилганлиги туфайли дарёнинг қуйи қисмида сув миқдори анча камая бошлади. Натижада эрта баҳорда ернинг шўрини ювиш даврида сув тақчислиги рўй беряпти. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Маълумки, Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР ва Тошовуз области районларида баҳорда шўр ювмасдан туриб деҳқончилик қилиб бўлмайди. Туямўйинда сув омбори бунёд қилиш жуда зарур бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шунда. Умумий сақлаш 7,8 миллиард куб метр ҳажмда сув сиғдираган ва фойдали ҳажми 5,3 миллиард куб метр бўлган Туямўйин сув омбори қурилиши 500 минг гектар суғорилаётган майдонни об-ҳаёт билан тўлатўкис таъминлаш, келгусида бир миллион гектар ерни суғориш имкониятини беради.

Деҳқончиликда сув проблемаси узил-кесил ҳал этилиши воҳа қишлоқ хўжалиги олдида кенг истиқболлар очиб беради. Шу билан бирга, тўғон қурилиши ва дарёнинг жиловланишидаги хавфига, қишда муз тўпланиши оқибатида юз берадиган сув тошқинига хотима беради, суғориш тармоқларида лойқа тўпланиши кескин камаяди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1969 йил октябрь ойида қабул қилган қарорида Туямўйин гидроузели қурилишини тезлатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган эди. Шундан кейин бинокорлик ишлари кўлами кенгайди. Туямўйин гидроузели қурилиши бошқармаси коллективининг кучи билан қисқа вақт ичида 6740 квадрат метр ҳажмда уй-жой бинолари, кўпгина ёрдамчи иншоотлар комплекси бунёд этилди. Гидроузел котлованидан 550 минг куб метр тош-тупроқ қазиб чиқарилди. Саноат базалари қурилиши авж олдирилмоқда.

Аммо, ишларнинг суръати ва кўлами талаб даражасида эмас. Ишлаб чиқариш резервларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Бошқарма бўйича 3,7 миллион сўмлик ўрнига 3,9 миллион сўмлик иш бажарилган бўлса ҳам, ўтган йили асосий пудрат ишлари плани бажарилмай қолди.

Республика партия ва ҳукумати қарорига мувофиқ, махсус ишларни бажариш учун «Средазэлектрострой» трести, «Электросибмонтаж» трестининг 9- монтаж участкаси, «Союзвзривпром»нинг Тошкентдаги ихтисослашган бошқармаси ва шунга ўхшаш яна 9 та ташкилот ёрдамчи пудратчи сифатида қурилишда қатнашиши керак. Қарор қабул қилинганидан буён қариб бир ярим йил вақт ўтган бўлса ҳам, бу ташкилотларнинг кўпчилиги ўзларига топширилган вазифани бажаришга киришмади. «Союзвзривпром»нинг ихтисослашган бошқармаси ўтган йили планни атиги 50 процент, «Спецмонтажводстрой» трести 38,4 процент бажарди, холос.

«Гидропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими айби билан шу кунгача доимий поселка лойиҳаси, шунингдек, ўнг қирғоқ электр узатиш линияси ва чап қирғоқ трасса канали лойиҳалари тайёрлаб берилмади. Бу уй-жойлар комплексини барпо этиш ва қурилишни тезлатишга ҳалақит бермоқда.

Республика Давлат план комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими Давлат комитети қурилиш учун ҳар йили 500 малакали бинокор ишчи ва механизатор тайёрлаб бериши лозим. Қурилишда бинокор кадрларга эҳтиёж катта. Тегишли ташкилотлар бу масалага жиддий эътибор беришлари зарур.

Тўққизинчи беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларида гидроузел иншоотлари қурилишига катта эътибор бериш лозимлиги таъкидланади. Биз унда **«Гидроэнергетикада электр энергияси ишлаб чиқариш, ерларни суғориш, халқ хўжалигини сув билан таъминлаш, кемалар қатнови ва балиқчиликни ривожлантириш вазифаларини комплекс ҳал қилиш имконини берадиган гидроузел иншоотлари кўпроқ қурилсин»** деган сўзларни ўқиймиз. Туямўйин гидроузели ана шундай катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган гидроузел иншоотидир. Унинг Директива объектлари қаторига киритилгани бежиз эмас. Шундай экан бу объектни ҳозирданоқ зарбдор суръатлар билан қуриш, имкони борича тезроқ ва муддатидан олдин ишга тушириш чораларини кўраверишимиз керак.

Ю. ШЕРЖОНОВ,
Туямўйин гидроузели қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ИШ БОШЛАДИК

С. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР қурилиш министри

◆ ◆

КПСС XXIV съезди Директиваларида халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш ҳажмини ўтган беш йилликка нисбатан 36-40 процент ошириш кўзда тутилган. Бу жуда катта программа. Шу билан бирга Директиваларда сарфланадиган капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш, қурилишга ажратиб берилаётган моддий ва молиявий ресурслардан рационал фойдаланиш, илғор технологияни жорий қилиш, корхоналарни қуриш ва янги ишга туширилаётган корхоналарда қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартириш зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Шулардан маълумки, республикамиз қурувчилари олдида ҳам катта ва масъулиятли вазифа турибди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис ва рух ишлаб чиқарадиган қувватларини ошириш, Олмалиқ аммофос заводининг иккинчи навбатини қуриш, Самарқанд суперфосфат заводида аммофос ишлаб чиқарадиган янги қувватлар бунёд этиш, Ангренда резина комбинати қуриш, Бекобод металлургия заводини реконструкция қилиш каби муҳим ишлар министрлигимиз коллективлари зиммасига тушади. Тўққизинчи беш йилликда Бухоро ип-газлама комбинати, Фарғона сунъий тери комбинати, Қўқон кўн ва чинни заводлари, бир қанча пахта тозалаш заводлари, трикотаж, тикувчилик ва пойафзал фабрикалари қурилади. Республикамизда энг йирик Андижон ип-газлама комбинати қурилиши эса бошлаб юборилади.

Министрлигимиз ташкилотларида фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишга катта эътибор берилади. Қурилишда механизация ва автоматлаштиришдан қурилиш сифатини оширадиган, таннархини камайтирадиган воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилаверамиз. Бу беш йилликда йиғма темир-бетон конструкцияларидан ишлаб чиқариш объектлари қуриш янада кенгайтирилади. 1975 йилга бориб шундай типдаги объектлар қуриш 1970 йилга нисбатан икки хисса кўпаяди. Уй-жой ва саноат бинолари қуришни осонлаштириш мақсадида 90 минг куб метрга яқин енгил бетонли devor панеллари тайёрланади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Андижон ва Бухоро областларидаги уй-жой бинолари қурилиши бу йилдан бошлаб санитария-техника кабиналари билан тўла таъминланади. Янги беш йилликда белгиланган қўшимча тадбирларимиз жуда кўп.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати, жойлардаги партия органлари коллективларга ўз ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришда катта ёрдам бермоқдалар ва бу борада ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг кундалик ёрдами натижасида Олмалиқ химия ва рух заводлари, Самарқанддаги чинни заводи, Намангандаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг пардозлаш фабрикаси, Чодак кон бойитиш комбинати, «Тошавтомаш» заводидаги қувватлар қурилиши ғоят тезкор усулда олиб борилди. Бу борада тўпланган тажрибалардан янги беш йилликда ҳам фойдаланамиз.

Барча қурувчи ва монтажчиларимиз Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун, республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг жамолини очиш учун бутун куч, билим ва тажрибаларини сафарбар этишларига ишончимиз комил.

Ф. СОБИРОВ,
Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш министри

◆ ◆

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директиваларида **«... Олмалиқ аммофос заводининг иккинчи навбати, Самарқанд суперфосфат заводида аммофос ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилсин... Бекобод металлургия заводини реконструкция қилиш ишлари авж олдириб юборилсин. Бухоро ип-газлама комбинати, Фарғонадаги сунъий чарм-тери комбинати, Қўқон кўн заводи, чинни заводи ишга туширилсин. ...Урганч мой-экстракция заводи қурилсин»** деган сатрларни ўқиймиз.

Янги беш йилликда кўзда тутилган бундай йирик объектлардаги барча монтаж ишларини адо этиш вазифаси бизнинг монтажчиларимиз зиммасига тушади. Шу йилнинг ўзидаёқ Бухоро ип-газлама комбинати ва Чирчиқ электрохимия комбинати, Намангандаги шойи ва костюмбоп газламалар комбинати, Фарғонадаги азот ўғитлари заводида янги қувватларни қуриш бошлаб юборилади. Ҳозирданоқ мазкур объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш кучайтирилмоқда. Бухоро ип-газлама комбинатининг лойиҳасини 4-давлат лойиҳалаш институти қўлдан чиқарди ҳисоб. Бошқа лойиҳаларни Москва, Ленинград ва республикалардаги кўпгина лойиҳалаш институтлари тайёрламоқда. Шуни айтиш керакки, бу ерда республикамизда биринчи марта том ёпиш монтажида узлуксиз конвейер методи қўлланилади. Бу илғор метод иттифоқимизда илк бор Горький номли автомобиль заводи қурилишида жорий этилган эди.

«Қурилиш ходимлари олдида беш йиллик топшириқларни аслида ходимлар сонини кўпайтирмай туриб, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бажаришдан иборат масъулиятли вазифа турибди. Бунинг учун қурилиш ишларини механизациялаш даражасини ошириш зарур» — дейилади СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари ҳақидаги ўртоқ А. Н. Косигин докладида.

Биз бунга ҳозирданоқ қаттиқ амал қила бошладик.

Монтаж ишларини индустрлашни кучайтириш мақсадида янги саноат базалари бунёд этилади. Тошкентда йилига 18 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги металл-конструкция заводи қурилади. Монтаж ташкилотлари йирик объектлар қурилишида 100 тоннагача юк кўтара оладиган кранлар, замонавий механизациялашган асбоблар, электрореле ва ҳоказо монтаж техникаси билан таъмин этилади.

Министрлик янги беш йилликда ҳам монтаж ишлари сифатига алоҳида эътибор беради. Юбилей йилида барча монтаж ташкилотлари коллективлари ғайрат-шижоати билан объектларнинг 95,6 процентини фақат «аъло» ва «яхши» баҳоларга топширилди. «Ферганасантехгазмонтаж» трести коллективи бутун ҳамма объектларни «аъло» ва «яхши» баҳога топширишга муваффақ бўлди.

Азамат монтажчиларимиз Коммунистик партиямизнинг XXIV съезди белгилаб берган янги, муҳим вазифаларни амалга ошириш йўлида шубҳасиз катта муваффақиятларга эришадилар.

УРГАНЧ ЗАВОДИ

Тўққизинчи беш йиллида Ўзбекистонда ишга тушириладиган йирик саноат корхоналаридан бири — Урганч ёғ-экстракция заводидир. 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик план юзасидан КПСС XXIV съезди Директивларида тилга олинган бу корхона шаҳарнинг янги саноат зонасида над кўтаряпти.

Корхонанинг Урганч темир йўл станциясига яқин жойда қурилаётганлиги учун уни «рельсдаги завод» деб ҳам аташяпти. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни пешма-пеш ташиб олишда ва умуман темир йўл транспортидан фойдаланишда объектнинг бу тарзда жойлашуви ҳар тарафлама қулайдир.

Ёғ-экстракция заводи суткасига 720 тонна чигитни қайта ишлаб, 130-140 тонна пахта мойи ишлаб чиқаради. Ҳозирги мавжуд ёғ заводи билан таққосланганда, янги корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми уч баравар кўпаяди. Унда ярим автоматлар ишлаб чиқаришга кенг жорий этилади.

Бу улкан объектни қуриш қизғин давом этмоқда. Уни Урганчдаги 167-қурилиш трестининг 3- қурилиш-монтаж бошқармаси қураётир. Асосий корпус қуриладиган жойда пойдевор тикланяпти. Монтаж ишлари ҳажми кенгайиб бормоқда.

Қурувчилар ўртасида мусобақа қизғин тус олган. Прораб А. Розенкевич, мастер С. Ҳасанов қурилишда суръат ва сифатни таъминлашда жонкуярлик кўрсатишяпти. В. Воробьев бошлиқ монтажчилар, И. Иброҳим бошлиқ дурадгорлар бригадалари мусобақада олдинги сафда бораётирлар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Йирик Андижон сув омбори қурилиши жадал бормоқда. Ана шу гигант объект қурилишида кўплаб отаҳқалб бунёдкорлар меҳнат қилишяпти. Юқоридаги суратда сиз инженер-геодезист Дилбар Қодированни кўриб турибсиз. Пастдаги суратда эса сув омбори қурилишини бетон билан таъминлайдиган бетон заводининг умумий кўриниши.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

«НАВОИДА ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШИРИЛСИН».
(КПСС XXIV съезди Директиваларидан).

НАВОИЙ ЦЕМЕНТИ

Бу корхона — Ўрта Осиёда энг йирик цемент заводи бўлиб, Навоий саноат районида қад кўтаради. Йилига 2 миллион 400 минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган бу заводнинг Навоийда қурилаётгани бежиз эмас. У тўла қувват билан ишга тушгач, Бухоро воҳаси, Қарши дашти ҳамда Сурхон — Шеробод чўли қурилишларининг цементга бўлган эҳтиёжини қондира бошлайди. Бу жойлардаги улкан қурилишларга Оҳангарон ва Қувасойдан Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан цемент ташиб келтирилишига чек қўйилади. Корхона шарофати билан ҳар йили цемент ташиб келтиришга ажратиладиган 1 миллион сўм миқдордаги транспорт ҳаражатлари фойдага қолади.

Ҳозирги кунда улкан завод қуриладиган жойда геология кидирув ишлари ниҳоясига етказилиб, лойиҳачилар завод қурилиши чизмаларини тайёрлашга киришиб кетдилар.

Цемент ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё — сланец кони корхона тушадиган ерга яқин жойдан топилди ва у «Южгипроцемент» илмий-тадқиқот институти мутахассислари синовидан муваффақиятли ўтди.

Партия ва ҳукуматимиз Навоий цемент заводининг муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга эканини назарда тутиб, уни Директива объектлари рўйхатига киритди ва бу корхонани қуриш учун жуда катта маблағ ажратмоқда. Бошқармамиз коллективи эса ана шу улкан объектни тўққизинчи беш йиллиқда қуриш шарафига муяссар бўлади. Биз шу йилданоқ завод пойдеворига бетон ётқизамиз.

Бунинг учун бошқа объектлар қурилишида ўзини кўрсатган энг яхши тажрибали қурувчи-монтажчилар бригадаларини ажратдик. Булар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Марочкин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор В. Захаров ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари бор.

Ҳозир корхона корпуси қад кўтарадиган жойдан қум-шағал карьеригача бўлган масофада йўл қурилиши қизитиб юборилди. Бундан ташқари завод томонга қараб темир йўл изи ётқизишга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Бинокорларимиз йил охиригача бир миллион сўмдан ортиқ маблағни ўзлаштириб бир қанча ёрдамчи объектларни тиклаш ҳаракатида. Биз Директива объектининг ҳавозаларини янада баландроқ кўтариш чораларини кўраверамиз.

В. БУЛАТ,
Навоий қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРИ

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҚУВВАТЛАРИ ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН РИВОЖЛАНТИРИЛСИН.

(КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИДАН).

ЎЗБЕК ОЛТИНИ

Ж. ТЎЛАГАНОВ,
Ўзбекистон ССР геология министри, Ленин мукофоти лауреати.

«Олтин қазиб чиқарувчи саноатни янада ривожлантириш таъминлансин».
(КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИДАН).

Партиямиз XXIII съезди қарорларида Ўзбекистонда саноатнинг янги тармоғи — олтин қазиб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган эди. Геологларимиз мамлакатимизнинг янги валюта цехи учун минерал хом ашё базасини тайёрлаб, бу вазифани шараф билан адо этишга муваффақ бўлдилар. 1969 йилда Мурунтов конбойитиш комбинати ишга туширилди. Юбилей йилида эса Чодак олтин саралаш фабрикаси қимматбаҳо маҳсулот бера бошлади. Кўчбулоқдаги олтин рудаси корхоналарда қайта ишлашга киришилди.

Ўтган беш йилда Мурунтовда олтин запаси кескин ошди. Тошкент якинидаги районда эса Ковулди олтин кони топилди. Самарқанд областида Чормитон ва Маржонбулоқ конларида қидирув ишлари олиб борилмоқда. Кўкпатас олтин рудаси райони истиқболи ҳам катта. Қизилқумда олтин мавжуд бўлган жуда катта янги майдон кашф этилди. Шунингдек Чотқол, Қурама, Зирабулоқ, Зиёвуддин ва Нурота тоғларида янгиданянги олтин конлари топилмоқдаки, улар республикамизда олтин саноатини янада ривожлантириш имконини беради. Ҳозирдаёқ Ангрен олтин саралаш фабрикаси қурилиши бошлаб юборилди. Бу, янги беш йилликда Тошкент, Бухоро ва Самарқанд областларида қуриладиган учта корхонанинг биридир.

Ўтган беш йилликда олиб борилган геология-қидирув ишлари натижасида Ўзбекистонда ишлаб турган, қурилаётган ва лойиҳалаштирилаётган олтин саноати корхоналарини хом ашё билан таъминлашнинг янги истиқболлари очилди.

Буларнинг ҳаммаси КПСС XXIV съезди Директиваларида олдимизга қўйилган «олтин қазиб чиқарувчи саноатни янада ривожлантириш» вазифасини шараф билан уддалаш имконини беради. Бундан ташқари биз ҳозир янги истиқболли конларни аниқлаш устида иш олиб бораётирмиз.

Марказий Қизилқум ва бошқа районларда фақат олтингина эмас, қалай, вольфрам, симоб, плавико-шпат, калий тузи ва фосфорит конлари борлиги аниқланди.

Шунингдек ўтган беш йилликда муҳим иқтисодий кўрсаткичларга ҳам эришилди. Масалан, геология-қидирув ишлари ҳажми 40 процент ошди. Унинг таннархи эса 12,1 процент камайди. 50 миллион сўмга яқин фойда олинди. Геология-қидирув ишларида меҳнат унумдорлиги 26,0 процент ўсди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва иқтисодий тежамни кучайтириш тўғрисидаги хати асосида иш юритган геологларимиз юбилей йилида 3580 тонна шартли ёқилғи, салкам 6 миллион киловатт-соат электр энергияси, деярли 900 тонна қувур ва металл, бошқа кўпгина материалларни тежаб қолдилар. Буларнинг умумий иқтисодий фойдаси салкам 2,3 миллион сўмни ташкил этди.

Фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибадан тобора кўпроқ фойдаланяпмиз. Юқори унумли—олмос, кичик диаметрли ускуналар билан парма-лаш ҳажми 72 процент ўсди. Қидирув ва ер қазиш ишларини механизациялаш даражаси ошди. Унинг базаси замонавий асбоб-ускуналар ва механизмлар билан бойитилди. Геология-қидирув ташкилотлари замонавий парма-лаш техникаси, асбоб-ускуналари, транспорт, лаборатория ва геофизик аппаратлар билан таъминланган. Геохимик, геофизик, аэрофото ва шу сингари тадқиқотнинг илғор усулларидан фойдаланиш натижасида ишнинг сифати ошди.

КПСС XXIV съезди шарафига «Узбекгидрогеология», «Ташкентгеология» ва «Ўзбекгеофизика» трестлари ҳамда министрликнинг ҳамма корхона ва ташкилотлари коллективлари ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб меҳнат вахтасида ишлаб, жуда яхши натижаларни қўлга киритдилар. А. Бозоров, О. Баҳриддинов, Ш. Болтабоев, К. Жўраев, А. Козлов, П. Кочергин, А. Рухленко, Тен-Вен-Хак ва бошқа мастерлар бошчилик қилаётган парма-лаш ва проходкачи бригадалари янги беш йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Коммунист Павел Степанович Прокопец бошлиқ донгдор бригада Мурунтовда 1968 йилдаёқ беш йиллик планни адо этиб қўйган эди. Ҳозир бригада 1973 йил ҳисобига ишламоқда. Фақат бу-тўрнинг ўзида бу бригада турли материаллардан 20 минг сўм иқтисод қилиб қолди. Кўчбулоқдаги проходкачилар орасида эса Василий Бурцев бригадаси алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон геология-қидирув ходимлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, янги беш йилликда республика минерал хом ашё базасини янада тараққий эттириш, олтин қазиш саноати ва рангли металлургияни ривожлантириш, ишлаб турган, қурилаётган ва лойиҳалаштирилаётган корхоналарни фойдали қазилмалар запаси билан таъминлаш вазифасини шараф билан адо этадилар. Бу йил аэрогеологик усули, аэро ва ерусти гаммаспектроскопик суратга олиш фақат олтин қидиришдагина эмас, рангли ва нодир металлар, плавик-шпат ва бошқа фойдали қазилмалар излашда ҳам кенг қўлланилади. Мис, қўрғошин, рух конларини қидиришда узлуксиз активацион каротаж усулидан ҳам кенг миқёсда фойдаланилади.

Янги беш йилликда республикамизнинг кўпгина районларида ва биринчи навбатда Қизилқумда олтин, рангли ва нодир металлар конлари очилади. Булар ҳаммаси Ўзбекистоннинг бой табиий хазинага эга эканлигидан шаҳодат бериб турибди. Шунинг учун ҳам геология-қидириш коллективлари комил ишонч билан янги беш йиллик истиқболига назар ташламоқдалар.

Бухоро ип-газлама комбинати КПСС XXIV съезди Директиваларида тилга олинган объектдир. Бу корхона лойиҳасини 4-давлат лойиҳалаш институти коллективи тузмоқда. Суратда лойиҳачилар группаси бошлиғи Э. Березина, катта инженер С. Блокин ва бўлим бошлиғи ўринбосари В. Сазонова (ўнгда) ўртоқлар фикр алмашишмоқда. И. Глауберзон фотоси.

БИНОКОР

ҚАРШИ ДАШТИ МАРДИ-МАЙДОНЛАРИ

Ҳар гал у билан учрашганимда кўз ўнгимда осмон ўпар бинолар намоён бўлади. Бердимуроднинг билак кучи, қалб ҳарорати билан бунёд этилган ишчи посёлкалари ва заводлардан, пештоқи ҳўшда зарҳалланиб кетадиган ажиб бўёқли ва латофатли бинолардан кўз узолмайман.

У бунёдкор! Шу бир оғиз сўз замирида олам-олам маъно мужассам, Бердимурод сертакаллуф, меҳнат қучоғида тобланган, ҳалол меҳнати туфайли элюрт эътиборини қозонган бунёдкорларнинг бири. Унинг юраги туғилиб ўсган, қадрдон воҳасини қурилиш хавозаларига буркаш, она ер ҳуснига чирой бериш орзуси билан тўлиб-тошган.

— Бунёдкорлар сафида бўлганим билан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман, — дейди Бердимурод, — ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ шу орзу билан яшардим. Орзуга айб йўқ, деганлари рост экан. Ғишт терувчига шогирд тушдим. Шаҳрисабз, Китоб районлари территориясида юзлаб тураржойлар, ўнлаб ётоқхоналар, магазинлар, ошхоналар қурилишида ишладим. Ҳар куни ишдан қайтаётганимда ана шу қўркам биноларга суқланиб боқаман. Мен бу биноларнинг ҳар бирида ўзим ва ўртоқларимнинг қўл изларини кўраман.

Ҳар бир бинони тиклагунча, озмунча ташвишларни тортмаганмиз, қийинчиликларни енгмаганмиз. Шу боисдан бўлса керак, бунёд этган биноларимиз, биз учун энг азиз, қадрдон кўринади. «Бу бинони мен қурганман», «Ана унисини биз қурганмиз» деб чексиз фахрланамиз, шу онларда юрак олам-олам севинчларга тўлиб тошади.

Қарши даштига ҳужум бошланган дастлабки кунларданоқ, Бердимурод зардбор қурилиш қучоғида жавлон урянти. «Промжилстрой» трестига қарашли биринчи механизациялашган кўчма колоннада меҳнат қилаётган. Коллективда 200 дан ортиқ турли миллат фарзандлари меҳнат қилади. Бунёдкорлар вазифаси чўлқуварлар учун турар-жойлар, маданий-бинолар, қурилиш, саноат объектлари бунёд этишидир. Тўрт қурилиш участкаси, ўнлаб объектларда колоннанинг 20 дан ортиқ бригадалари меҳнат қилади. Улар КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, Директива объекти бўлган Қарши даштини тезроқ ўзлаштиришга, унда янги-янги шаҳарчалар қуришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. У шу коллективда тарбияланиб камолга етди. Партия аъзолигига қабул қилинди, бир неча йиллан бери партбюро аъзоси.

Дарвоқе, Бердимурод меҳнат қилаётган коллектив кўп миллатли. Рус ва ўзбеклар, татар ва тожиклар, грузин ва озарбайжонлар 25 миллат вакиллари бир ота, бир она фарзандлари каби ҳалол тер тўкиб ишлашмоқда.

— Агар бирontамиз рекорд кўрсаткичга эришсак, дарҳол ҳаммамиз унга тенглашиш ҳаракатига тушамиз. Бирон бир киши янгилик яратса, бутун коллектив ишини осонлаштиришга хизмат қилади, — деб ҳикоя қилади Бердимурод Улуғмуродов. — Ўзаро социалистик мусобақа жараёнида бир-биримизга бегараз кўмак берамиз, илғор тажрибаларимизни ўртоқлашамиз.

Бу йилги қиш совуқ келди. Лекин бунёдкорлар қурилиш графигига қатъий амал қилдилар. Ойлик планлар анча ошириб бажарилди.

Коммунист Бердимурод Улуғмуродов бригадир бўлган ғишт терувчилар коллективи бунга муносиб улуш қўшди. Бригада уч ойлик планни 20 кун олдин бажарди. Бригадада 16 касб эгаси меҳнат қилади. Қурувчилар Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуминнинг ўқув ишлаб-чиқариш биносини бунёд этмоқда.

Бригадир социалистик мусобақанинг актив ташкилотчиси бўлиш билан бирга, ҳар бир ишда шахсий намуна кўрсатиб ишлаётир. Партбюро аъзоси сифатида коммунистларни социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришга, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга сафарбар этяпти.

Р. УРОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

САРФЛАНАДИГАН КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ АНЧА ОШИРИЛСИН

(КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИДАН).

Қарши бош магистраль канали 5-насос станцияси тезкорлик билан бунёд этилмоқда. Суратда: насос станцияси қурилиши ҳавозалари анс эттирилган.

В. Сироткин фотоси.



САНОАТИМИЗ ФАХРИ

ДИРЕКТИВА ОБЪЕКТИНИ ЛОИИҲАЧИ ШАРҲЛАЙДИ

СССР Енгил саноат министрлигининг Тошкентдаги 4-давлатлойиҳа институти Бухоро ип-газлама комбинатининг лойиҳа чизмаларини тайёрламоқда. Мухбиримиз тажрибали мутахассис, лойиҳа бош инженери ўртоқ О. Погробенский билан сим орқали боғланиб ишнинг бориши ҳақида гапириб беришни сўради.

— Ишни ўтган йили бошлаган эдик. Даставвал Бухоронинг кунчиқар томонида корхона қуриш учун танланган жойни ўргандик. Тупроқ таркиби аниқланди. Кейин ана шу саноат объектининг биринчи навбати чизмаларини тайёрлашга киришиб кетдик. Лойиҳачиларимиз яқинда ишларнинг бир қисмини якунлаб, техника лойиҳасини тугаллади. Шундан кейин у юқори ташкилотларга ҳавола этилган эди. СССР Госстройи ишимизни кўриб чиқиб маъқул топди. СССР Енгил саноат министрлиги ҳам уни тасдиқлади. Комбинат республикамиздаги энг гигант енгил саноат корхоналаридан бири бўлади. Унинг ишлаб чиқариш корпусларига 250 мингга яқин тўқимачилик ва 89 минг тўқув-йигирув ускуналари ўрнатилади. Корхона аҳоли учун ҳар йили 100 миллион метр газлама ишлаб чиқаради. Унинг ишлаб чиқариш корпуслари 60 гектардан ортиқ майдонни эгаллаб савлат тўкиб туради.

Ҳозир ана шу комбинатнинг биринчи навбати қурилиши бошлаб юборилди. Бу навбатда асосан комбинатнинг йигирув-тўқув фабрикаси тикланади. Унинг цехларида 110 минг 880 дона йигирув ва 39 минг йигирув-ўроз урчуқлари, 2 мингдан ортиқ тўқув станоклари ишга солинади. Фабрика йилига 42 миллион метр дағал газлама ишлаб чиқара олади.

— Бухоро ип-газлама комбинатида ўрнатиладиган йигирув-тўқув ускуналари ҳозир ишлаб турган енгил саноат корхоналарининг ускуналаридан фарқ қиладими?

— Корхонада энг замонавий йигирув-тўқув дастгоҳлари ўрнатилади. Бунда совет инженерларининг технология буюртмаси билан Болгарияда тайёрланган газламани тозалаш, ҳисоблаш ва саралаш агрегат-поток линияси ўрнатилади. Енгил саноат корхоналарида бундай поток линия биринчи марта ишлатилади. Агрегат—поток линия ҳозир қўлланаётган машиналарга нисбатан анча унумдор бўлиб, ишлаб чиқаришни яна ҳам тўла-тўкис механизациялашга, қўл меҳнатига барҳам беришга катта имкон беради.

— Янги корхонада иш шароитини яхшилаш имконини берадиган янги қулайликлар бўладими?

— Корхона иши кўп жиҳатдан ишчининг кайфияти, меҳнат қилиши учун зарур шароит яратилишига боғлиқ. Биз лойиҳачилар бу масалага катта эътибор бердик. Ҳамма цехларга ҳаво алмаштириб турадиган янги қурилмалар қўйилади. У ҳамма участкаларда ҳаво тоза, мўътадил бўлишини таъминлайди. Бухоро ип-газлама комбинатида қўлда бажариладиган оғир юмушлар ҳам бўлмайди.

Тўққизинчи беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари зиммамизга катта масъулиятли вазифаларни юкламоқда, лойиҳа-смета ишлари сифатини ҳар қачонгидан яхшилашни, энг мақбул лойиҳалар тузишни, уни арзонлаштиришни талаб этмоқда. Биз, бинокорларнинг тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки ойларидаёқ Директива объекти бўлган Бухоро ип-газлама комбинати қурилишини бошлаб юборишлари учун керакли ҳамма лойиҳаларни етказиб бердик. Бундан кейинги чизмаларни тайёрлашни ҳам тезлаштирмоқдамиз.

Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Бухоро ип-газлама комбинатига пойдевор қўйилди. КПСС XXIV съезди Директивларида тилга олинган бу корхона қурилиши халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эгадир. Комбинат бир неча фабрикадан иборат бўлиб, ёрдамчи хўжаликлари билан бирга 50 дан ортиқ корпусларни бирлаштиради.

Съезд кунларида комбинат қурилишида иш қизиғандан-қизиди. Қурувчилар зафар устига зафар қучмоқдалар. Куни кеча биринчи йигирув-тўқув фабрикаси марказий устахонасининг пойдевори тайёр бўлган эди. Бугун темир-бетон ишлари битди. Котлованлардаги тупроқ ишлари ҳам ниҳоясига етди. Ҳозир Зарафшон дарёсининг Ҳар-Хур участкасидан комбинатгача бўлган бир неча ўн километрли масофада катта диаметрли қувурлар ётқизишга тайёргарлик бошланиб кетди. Биринчи квартал плани муваффақиятли бажарилди. Бу тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида 4 миллион 800 минг сўмлик капитал маблағни бемалол ўзлаштира олишимиз мумкинлигидан далолат бериб турибди.

Комбинат қурилишида «Узтрансспецстрой» трестига қарашли 985-УНР коллективи билан Навоий қурилиш бошқармаси қурувчилари ҳам ишга киришиб кетдилар. Трестимизга қарашли қурилиш материаллари комбинати эса Директива объектини қурилиш материаллари билан узлуксиз таъминлаб турибди. Шунга яраша биз қурилиш суръатини кўтармоқдамиз.

Комбинат қурилиши тўрт йилга мўлжалланган. Лекин сергайрат қурувчиларимиз бу Директива объектида ишни намунали ташкил этиш билан суръатни кўтариш ҳисобига комбинатни муддатидан анча олдин қуриб битказишга аҳд қилдилар. Улар Ўзбекистон енгил саноатининг фахри бўлиб қоладиган Бухоро ип-газлама комбинатини қураётганликлари билан фахрланиб, суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар.

Н. РАЖАБОВ,
Бухородаги 163-қурилиш трести бошқарувчиси.

НУРДАРЁ

РЕПОРТАЖ

Сокин Сирдарё бўйида қалин дарахтзорга кўзингиз тушгайдир. У бунёд этилаётган. Сирдарё ГРЭСига жуда-жуда яқин. Ана шу дарахтзор манзараси ҳар бир кишини ҳайратга солади. Нега дейсизми?

Сирдарё тарафга ўтган одам Бекобод шамолини яхши билса керак. У баъзи фаслларда эртаю-кеч гувуллайди, дўппини учириб юборади, этаклардан торқилайди. Бир сафарга марокли туюлса-да, бора-бора ғашга тегади. «Бекобод шамоли» деб аталмиш ўжар еллар Сирдарё бўйидаги ўша кичик ўрмоннинг теварагидаги дарахтларни ҳам эгиб ташлаган. Ҳатто йўғон дарахтлар «бели букилса»-да, «дўстлари»га суяниб яшамоқда. Улар кўм-кук либос кийиб, бир-бирига янада чатишиб, қайсар Бекобод шамолига кўкрак кериб уни енгяпти.

Сирдарё ГРЭСининг бунёдкорларидан бири Карим Солиевни учратганимизда беихтиёр Сирдаренинг шўхшаддод саболари-ю, ўша дарахтзор ёдга тушди. Фарҳод ГЭСидан 44 марта, Таҳиатош ГРЭСидан 15 марта катта бўлган, машҳур ДнепроГЭСдан қуввати 1 миллион 200 минг киловатт кўп, Европа ва Осиёда энг йирик Сирдарё ГРЭСи бунёдкорларининг жасорат майдонида қийинчиликларни матонат билан енгаётганини кўриб қувонасиз. Карим Солиев умумхалқ зардбор қурилишига қалб амри билан келган мингларнинг бири. Асли товоқсойлик бу йигитнинг меҳнат дафтарчасига «Таҳиатош ГРЭСида 10 йил» деган сўзлар ёзиб қўйилган. У ердан келганига энди бир ярим йилча бўлибди. У машҳур нур бунёдкори Шоҳид Ҳанипов бригадасининг энг пешқадам аъзоси. Шоҳид ака таржимаи ҳолининг маз-мундор қисмини Кишрад, Таҳиатош, Қайроққум электр станциялари қурилишида қатнашган йиллари ташкил қилганини бошқарма нурчилари яхши билишади.

«Пахтакор» стадионидаги катта майдонни тасаввур қилинг. 50 тонна юк кўтарадиган кран хартуми гўё юлдузга нарвонми дейсиз. Кўтарма рельсларда асбоб-ускуна ташийдиган вагончалар... Арматуралар тўрсимон тарзда ўлаб кетилмоқда. Монтажчиларнинг бошларида каска, қўлларида эса пайвандлаш таёқчалари, ҳаммаёқни электр таёқчаларидан чирсиллаётган учқунлар тутиб кетган. Иккинчи ёқда бетон қориш ва ётқизиш ишлари авжида. Сирдарё ГРЭСининг ҳозирги манзараси ана шундай қайноқ ва долзарб. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди деган ибора шу жойда ишлатилса таъбир жойиз бўлар.

— Чунки, ҳар кимнинг иши аниқ, — дейди бош корпус участкасининг прораби Виктор Усов. — Ҳар киши бир кунда бир тоннагача арматура монтаж қилиб беради. Азаматлар ойига 350 тоннагача арматура ўрнатишяпти.

Партиямиз XXIV съезди Директиваларида Ўрта Осиёда анча арзон энергетика ресурслари борлиги учун электр энергияни кўп талаб қиладиган саноат корхоналарини шу районга қуриш зарурлиги айтиб ўтилган. Бизнинг ГРЭСимиз янги қуриладиган ана шундай катта корхоналарни старли электр энергия билан таъминлай олади, бўлажак нурхонамиз Ўрта Осиёнинг ягона энергетика системасига ирмоқдай уланиб кетибгина қолмай унинг маркази бўлиб қолади, ўлкамизни яшнатишга катта ҳисса қўшади. Ҳозир қурувчиларимиз съезд қарорларидан руҳланиб ўзаро мусобақани кун сайин кучайтириб боришяпти.

Валентин Смирнов бошчилик қилаётган участка бунёдкорларининг ғайрат-шижоатлари ҳам таҳсинга сазовор. Улар пойдеворга бетон ётқизиш ишларини жадал олиб боришмоқда. Умуман «Узбекгидроэнергострой» трести махсус ишлар бошқармаси Сирдарё участкаси азаматларининг шу кунлардаги ғайрати бошқача.

Асосий ишлаб чиқариш корпусларининг дастлабки котлованлари пойдеворлари барвақт бетонлаштирилди. Қурувчилар қолган котлованларни ҳам сифатли қўлдан чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Барча монтажчилар, бетончи ва қурувчилар ГРЭСнинг биринчи энергетика блокини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида белгиланган муддатда — 1972 йилда ишга тушириш учун астойдил курашмоқдалар.

Энди бўлажак нурхонанинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нимани сўз. У келгусида Ўрта Осиё энергетика системасининг маркази бўлиб қолади. ГРЭСда Ўрта Осиёда биринчи марта 300 минг ва 800 минг киловатт қувватли турбиналардан фойдаланилади. Унда 240 атмосфера буг босими берадиган қозон ўрнатилади. Ҳолбуки ҳозир республикамизда энг йирик ҳисобланган Тошкент ГРЭСи қозони 140 атмосфера босимга эга. Бўлажак нурхонага мамлакатимизнинг 30 дан ортиқ шаҳридан турли асбоб-ускуна ва мосламалар келтирилади.

— Шуни айтиш керакки, — дейишади қурувчилар «гурур билан, — Ўрта Осиё энергетика қурилиши тажрибасида илк бор ГРЭСимиз пойдевори тагига дренаж мосламаси ўрнатилмоқда. Сизиб чиққан ер ости сувлари ана шу дренажларда йиғилиб, насослар орқали ташқарига чиқариб юборилади. Бу нурхонанинг умри боқийлигини таъминлайдиган яхши восита.

Суҳбатимизни ҳозиргина сменани тугатган Карим Солиев якунлади.

— Партиямиз XXIV съезди Директиваларида Сирдарё ГРЭСи қурилишини тезлаштириш тилга олиб ўтилган. Энг арзон электр энергияси ишлаб чиқарадиган ГРЭС қураётганимиз билан фахрланамиз, — деди у қорачадан келган юзига табассум ёйилиб, — Қурувчи бўлганингдан кейин нурхона келажагига ҳам қизиқиш билан қарайсан. Эшитгандирсиз, истеъмолчиларга қулай бўлиши учун бу ерда Ўрта Осиёда биринчи марта 500 киловольт кучланишли электр узатиш линияси қурилярмиш.

Хат бошида Бекобод шамолидан гап очган эдик. ГРЭС қурилаётган майдонларни кўздан кечирсангиз қизиқ бир манзарани кўрасиз. Кўтарилган арматуралар шу қадар кўпки, улар гўё ўрмонни эслатади. Ҳа, кичик ўрмоннинг ўзгинаси. Шаддод Бекобод шамоли ана шу арматуралар ўрмонини ҳам эгиб ташламоқчи бўлади. Бу «темир ўрмон» шамолда чайқала-чайқала ажойиб манзара кашф қилади. Аммо, шамол қурувчиларнинг жасоратига тенг келолмайди. Улар арматураларни пешма-пеш бир-бирига пайвандлаб, «темир ўрмон»га бетон ётқизиб боришяпти.

Чиндан ҳам қурилаётган нурхонанинг таъриф-тавсифи беқиёс. Уни кўёшга қиёс этгулик. Қурувчиларни эса кўёш яратаётгандек десак арзийди.

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

УЧ ҚАЛЛОБ ВА ЕТТИ АНҚОВ

ФЕЛЬЕТОН

Ғ...у кўнгилсиз воқеа устидан ...лган суд Янгиер шаҳрида ро...а 42 кун давом этди. Хўш, ...унча мураккаб бўлмаган ишнинг бу қадар чиғаллашиб кетишига нима сабаб?

Наманган область Норин районининг «Фарғона» колхозида бош бухгалтер бўлиб ишлаган Абдулла Қосимов деган кимса колхоз мулкига кўз олайтиргани учун уч йил қамалиб чиқди. Кейин тавбасига таянгандай бўлиб, колхозда ишлай бошлади. Аммо эгри йўлдан қайтмасликка қасам ичган экан шекилли, «чўлқувар» ниқоби остида Сирдарё областининг Янгиер шаҳрига равона бўлди.

Омади келганини қарангки, ишчилар таъминоти бўлимидаги сахий амакилар унинг кимлигини суриштириб ўтирмай, кўзларини чирт юмиб аппаратга ишга олишди. Аммо аппаратда ишлаш Қосимовнинг иштаҳасига ҳеч тўғри келмади. «Мойлироқ» жойни нишонга олди. Сахий амакилар ҳам «иste'ъдодингни бу ерда хор қилма, йигит» дейишди-ю, бир мўйлов қилиб, 6-озиқ-овқат магазини мудирлигига тайинлашди. Бу ҳам етмагандек жуфти ҳалоли Холбиби Қосимовани магазин омборининг мудирлигига ўтказиб қўйишди.

— «Ҳар каллада ҳар хаёл» шу ҳам мақол бўлибди-ю, дейишди эру-хотин, бир-бирига тикилиб, — бухгалтеримиз Козловская билан тил топишиб олсак бас, «Уч каллада бир хаёл» деган янги мақолни кашф этамиз!» — ана унда...

Улар ўйлаганича бўлди. Эрхотин тарозининг икки палласи бўлса, магазин бухгалтери Татьяна Ивановна улар топган ҳийла-найранглар мувозанатини сақлаб турувчи шайин эди.

Уч қаллоб етти анқовни доғда қолдирди, дегандарича бор экан. Шу йиллар мобайнида бу қаллоблар не-не ревизорларни ўз домларига илинтиришмади. Забира Сатторова, Алефтина Иванова, Любовь Христофорова сингари кўкрагига мушт уриб, «ҳалолман, покман, порахўр зотни кўрсам, ямлаб ташлашга тайёрман» деганлари ҳам бу қаллоб олдида эсанкираб порага қўл чўзганларини билмай қолишди.

Энди ревизорларнинг ҳар олти ойда келиши улар учун мутлақо ташвишсиз ҳолга айланди. Ҳатто, ревизорлар келадиган кундан бир-икки кун ўтиб қолса, «нега йўқлашмадийкин» деб хавотирланадиган ҳам бўлишди.

Қосимовларнинг кирдикорлари очилгандан очиларди. Ҳийла-найрангнинг янги-янги усулларини ишга солишди. «Ховос» совхозидаги даволаш муассасаси Жўраев билан тил бириктириб, 1969 йил 30 августда «олинган моллар учун» 9996 сўмга фактура ёздириб олди-да, товар обороти планини «ошириб бажарди». Планни «бажаргани» учун ОРС дан 274 сўм 80 тийин мукофот ҳам олди.

Қосимов, Қосимова, ва Козловскаялар «фаолият кўрсатган» даврда ботмон-ботмон ҳийла-найранглар ҳисобига давлат ва халқ мулкидан 113. 782 сўм 12 тийинлик маблағ ўзлаштирилди. Буни 1969 йил декабрда ревизия ўтказган Людмила Николаевна Винокурова аниқлаб 82.784 сўм 49 тийин камомат борлигини айтиб берди.

Л. Винокурова қаллоблар ўйлаган анойи ревизорлардан эмасди. Қоранги оқ деб кўрсатишга уни сира кўндиришолмади. Ана шунда Қосимов деганларнинг патагига қурт тушиб, томоғларидан овқат ўтмай, мададкор излаб қолишди. Орага ОРС бошлиғи Ф. Тошматова аралашди. У ўзининг бошлиқлигини деш қилиб Людмила Николаевнага: «Қосимовлар ишини тўғрилаб юбор!» — деб буйруқ берди. Лекин Винокурова ҳақ йўлдан қайтмади. Ревизия натижалари тергов органларига оширилди.

Ўзбекистон ССР Олий судининг сайёр мажлиси катта миқдордаги давлат ва жамоат мулкини ўзлаштиришда асосий жавобгар ҳисобланган Абдулла Қосимовни 15 йилга, хотини Холбибини 5 йилга, Т. Козловскаяни 3 йилга ҳукм қилди.

Магазинни кемирган қаллоблар қонун томонидан ўз қилмишларига яраша жазоландилар. Лекин бу ерда уларнинг хомийлари устидан тергов қўзғатилмай жазосиз қолгани кўпларни қизиқтириши табиий. Ахир, ОРСнинг собиқ бошлиқлари Ф. Тошматова, Ҳ. Очиловларнинг ҳам кўзини очиб қўйиш мумкин бўлмасмиди? Улар жамоат мулкини талон-торож қилишда қонунчилик томонидан айбланган одам моддий жавобгарлик мансабларига ишга олинмаслигини, моддий жавобгарлик мансабларининг бир-бирига ҳисоб бериб турадиган жойида, эр-хотиннинг бирга ишлаши мумкин эмаслигини билганлари ҳолда шундай иш тутишган. Улар маҳаллий партия ва совет органларининг бу ҳақдаги кўрсатмалари ва талабларини нётлаб ўтишган. Аммо, Янгиер район партия комитети Ф. Тошматова билан Ҳ. Очиловларга нисбатан негадир кескин чора кўрмаганлиги кишини таажжублантиради.

С. БОТИРАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси,
Т. ЖАМОЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.
А. ИЎЛДОШЕВ,
«Янгиер тонги» газетаси редакторининг ўринбосари.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

ИЛҲОМБАХШ ПРОГРАММА

Совет Иттифоқи коммунистлари съезднинг материаллари жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Кўп мамлакатлардаги газеталар бу материалларни кўзга кўринарли жойларда эълон қилмоқдалар ва шарҳламоқдалар. Чет эл газеталари, радио ва телевизион станциялари КПСС съездига бағишлаб жуда кўп редакцион мақолалар ва катта-катта хабарлар эълон қилмоқдалар. Бу мақолаларда съезд яқдиллик ва жипслик вазиятида ўтганлиги қайд этилмоқда.

ИТАЛИЯ

Италия пролетар бирлиги социалистик партиясининг снёсий секретари Туллио Веккьетти ҳафталик «Мондо нуово» газетасининг мухбири билан суҳбатда, КПСС XXIV съезди аввало совет коммунистларининг бутун дунёда эътироф қилинган бирлиги ва жипслигини исботлаб берди, деди. Шу билан бир вақтда, деди у, съезд империализмга қарши олиб бораётган курашнинг жуда катта интернационалистик намойиши бўлди ва шу туфайли у бутун дунёда мисли кўрилмаган катта шуҳрат қозонди.

СУРИЯ

«Ассавра» газетаси съезд иши тўғрисидаги якунловчи ахборотни қуйидаги сарлавҳа остида босиб чиқарди: КПСС XXIV съезднинг қарорлари совет халқининг гурмуш даражасини янада оширишга, социалистик мамлакатлар билан ва империализмга қарши курашаётган барча тараққийпарвар кучлар билан қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг якунловчи нутқида партиянинг стратегик йўли баён қилиб берилди, дейилади газетанинг бош мақоласида. Бу йўл Совет давлатининг иқтисодий, маданий ва мудофаа қувватини тўхтовсиз оширишни, партиянинг ҳамма қитъаларда тинчлик, озодлик ва халқлар мустақиллиги учун кураш олиб боришни кўзда тутади. (ТАСС).

Ғарбий Германиянинг демократик кучлари ГФР билан Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси ўртасида имзоланган Шартномани табриклашмоқдалар Суратда: Ганновер марказида ГФР билан СССР ва Польша ўртасида тузилган Шартноманинг тезроқ ратификация қилиниши учун имзо тўпламоқдалар.

АДН—ТАСС фотоси.

ШАРҚИЙ ПОКИСТОНДАГИ АҲВОЛ

◆ КАРОЧИ, 14 апрель. (ТАСС). АПП агентлигининг хабарида айтилишича, Шарқий Покистонда «турмуш изига тушмоқда». Покистон авиация компанияси шарқий вилоятнинг ички ҳаво йўлларида кечаги кундан бошлаб самолётлар қатнашини яна йўлга қўйди. Дакка билан Карочи ўртасида ҳам яна самолётлар ҳар кун қатнайдиган бўлиб қолди.

Даккадан олинган расмий хабарларга қараганда, шаҳардаги асосий муассасалар ва корхоналар иши нормаллашмоқда. Чандпур районини (Комилла округи) Покистон армияси «давлатга қарши унсурлар»дан батамом тозалади, деб расмий равишда эълон қилинди.

◆ РАВАЛПИНДИ, 14 апрель. (ТАСС). АПП агентлиги хабар беради: Шарқий Покистон ҳукумат маъмурлари директива чиқариб, бу директивада давлат муассасаларининг барча хизматчиларига ва давлат корхоналарининг ходимларига 21 апрелдан кечикмай ишга тушишни буюрдилар. Бу буйруққа бўйсунмаганлар, дейилади директивада, ҳарбий ҳолат тўғрисидаги қонунга асосан судга берилади.

СИНФИЙ ЖАНГЛАР ФРОНТЛАРИДА

ИШСИЗЛИК ФОЖИАСИ

«Меҳнат фронтида юз берган жиддий тўқнашувлар натижасида Никсон ҳукумати билан касаба союзлар ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада кескинлашиб кетди... Никсоннинг иқтисодий сиёсати ишсизликнинг кўпайишига олиб келди, бу эса, касаба союзларнинг кучли норозилигига сабаб бўлди».

Никсон президентлик лавозимини эгаллагандан бир йил кейин бизнесменлар ва молиячиларнинг органи бўлган «Бизнес уик» Америка газетаси юқоридаги фикрларни ёзган эди. Ўша вақтдан буён жуда кўп ўзгаришлар юз берди — республикачиларнинг иқтисодий сиёсати мамлакатни кризис ёқасига олиб келди, ишсизлик эса деярли икки бараварга кўпайди. Натижада касаба союзлар билан Никсон ҳукумати ўртасидаги келишмовчиликлар тобора чуқур илдиз отиб кетди.

Бу келишмовчиликлар жуда табиийдир, чунки ҳукумат ҳар доим касаба союзларга қарши планли равишда кураш олиб бормоқда.

«Дженерал моторс» заводида юз берган забастовка туфайли ҳукуматнинг мулкдорлар манфаатини кўзлаб халққа қарши чиқарган қарори буни яққол кўрсатади. Чунки, бу иш ташлаш АҚШда кейинги йиллардаги энг кучли халқ тўлқини бўлиб ҳисобланмоқда. Бунда 400 мингга яқин ишчи ўз дастҳоларини ташлаб чиқиб кетди. Шунда касаба союзлар ҳукуматдан янги коллектив шартномада ўсиб бораётган турмуш қийинчиликларини назарда тутган ҳолда иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар. Ҳукумат иш ташлашнинг дастлабки кунидан бошлаб очиқдан-очиқ корхона эгаларининг томонига ўтиб олди. Бунга жавобан Федерал суд томонидан тақиқланишига қарамай, ишчилар ғалабани қўлга киритдилар.

Республика маъмуриятининг ишчиларга қарши қаратилган сиёсати «Юнион Пасифик» компанияси билан темирйўлчилар касаба союзлари ўртасида юз берган келишмовчилик вақтида тағин ҳам яққол кўринди. Бу компания ишчиларнинг иш ҳақини ошириш, иш шароитини яхшилаш ҳақидаги талабларини амалга оширишдан бош тортди. Музокаралар олиб борилган пайтда Никсон корхона эгалари тарафини олиб, ишчилар талабини оёқ остн қилди.

Президент конгрессга йўллаган махсус мактубида меҳнат юзасидан вужудга келган можароларга аралашишда унинг ҳуқуқини кенгайтирилишини талаб қилди.

Шундан сўнг темир йўл тармоқларида яна социал тўқнашувлар авж олиб кетди. Шунда Ассоциэйтед Пресс агентлиги «суд, конгресс ва Оқ уйнинг қарорларини бир томонга йиғиштириб қўйиб, эълон қилинган стачка мамлакат темир йўллари системасини бутунлай издан чиқарди», деб таъкидлаб ёзган эди. Стачка бўрони ҳамма темир йўлларда ўз акс-садосини топди. Ўша пайтда округ судьяси Прэтт ҳар бир стачка куни учун касаба союзларга 200 минг доллардан жарима солиш ҳақида қарор қабул қилишини айтиб дўқ-пўписа қила бошлади. Натижада касаба союзлар стачкани тўхтатиришга мажбур бўлдилар. Бундан сал илгарироқ президент Никсон темирйўлчиларнинг иш ташлашини яна 45 кунга тўхтатишни талаб қилувчи ва конгресс томонидан маъқулланган қонун лойиҳасига имзо чеккан эди.

«Биз — дейди темир йўл хизматчилари ва авиация ходимлари касаба союзларининг раҳбари Дэннис, — темир йўллардаги меҳнат можароларига президентнинг аралашаётганлигидан ғоятда ташвишланмоқдамиз. Ҳукумат очиқдан-очиқ темир йўл эгаларини қўллаб-қувватлашга ўтиб олди».

Бундан бир неча ҳафта бурун президент конгрессга мурожаат қилиб, унинг ишчиларга қарши қаратилган қонун лойиҳаси қабул қилинишини талаб қилган эди. Корхона эгалари эса бундай кучли ҳимоячиси борлигидан мамнун бўлиб, темир йўлчиларнинг талабларини ҳамон рад этиб келмоқдалар.

Матбуотнинг хабарларига қараганда, АҚШда тағин ҳам қаттиқроқ қонунлар чиқариш кўзда тутилмоқда. Чунончи, Вашингтон меҳнат можаролари «қатъий» ҳал қилинишини, яъни бу корхона эгалари фойдасига ҳал қилинишини талаб қилмоқда. Тайёрланган қонун лойиҳасининг бирида саноатнинг бутун бир соҳасида иш ташлаш қатъиян тақиқланади, иккинчисида компанияларнинг бир неча касаба союзлар билан коллектив шартнома тузишиman этилади, учинчисида эса касаба союзларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунларнинг бекор қилиниши талаб қилинади. Ниҳоят бошқа бир шундай қонун лойиҳаси ҳам мавжудки, унда забастовкалар уюштириш умуман тақиқланади.

Ҳозирги пайтда ишчиларга қарши чиқарилаётган қонунлар жиддий иқтисодий қийинчиликлар даврида амалга оширилмоқда. Ҳукумат эса бу қийинчиликлар юкини меҳнаткашлар гарданига қўйиш билан сувдан қуруқ чиқмоқчи. Ҳукумат ва корхона эгалари халқнинг турмуш даражасини пасайтириш йўли билан иқтисодий кризис гирдобига тушишдан қутулиб қолишни мўлжалламоқда. Улар ана шу режаларини амалга ошириш йўлида ишчиларни оммавий равишда ишдан бўшатмоқдалар. Масалан, «Форчун» монополияларнинг бу соҳада тутган позициясини мутлақо яширмасдан қуйидагиларни ёзади: «Қўшма Штатлар ишсизликни бирнеча бор кўпайтирмасдан туриб, инфляциядан қутула олмайди», деб таъкидлайди. Мамлакатдаги 12 та йирик банкни бирлаштирган АҚШ федерал резервлар системаси ҳукуматга «касаба союзларнинг иш ҳақини ошириш юзасидан қўйдиган талабига чек қўйилиши»ни тавсия қилмоқда.

Бундай хатти-ҳаракатларнинг натижаси ғоятда ачинарли аҳволни юзага келтирмоқда. Масалан, АҚШда февраль ойининг ўзида ишсизлик ғоятда авж олган деб ҳисобланган, яъни ишсизлар сони 6 процентдан ҳам ошиб кетган саноат районлари 7 тадан 45 тага етди. Бу кейинги етти йил ичидаги энг юксак рақам ҳисобланади. Бироқ мамлакатнинг жуда кўпчилик районларида меҳнаткаш халқнинг аҳволи ғоятда мушкуллашиб бормоқда. Яқинда сенатнинг меҳнат ва ижтимоий фаровонлик масалалари билан шуғулланувчи кичик комиссияси баъзи бир штатларда ҳар бир 12-американинг иш қидириб юрганлиги ҳақидаги далилларни келтиради.

Келажакда ишсизлик борасида қандай манзаралар вужудга келиши мумкин? Ҳукумат фактларнинг аниқ кўрсатиб туришини назар-эътиборга олмай, ишсизлар иш билан тўла таъминланади, деб америкаликларни овутмоқчи бўлади. Бунинг учун у бирорта ишончли ва қўлга олинадиган гарантия беролмайди.

Кўпчилик экономистлар яқин ойлар ичида ишсизлик янада кўпайишини, ҳатто у мамлакат бўйича 8 процентга етиб боришини таъкидламоқдалар. «Уоллстрит джорнэл» — йирик сармоядорлар газетаси бу йил «ҳар бир киши учун, айниқса иш қидириб юрувчилар ҳамда ишдан бўшаб қолувчилар учун ёмон йил бўлиб кирди» деб фигон қилди.

Никсон маъмурияти томонидан меҳнаткашларнинг социал ва иқтисодий ҳуқуқларига қарши олиб борилаётган даҳшатли ва очиқдан-очиқ ҳужум тобора кучайиб бормоқда. Меҳнаткаш халқ бунга жавобан ҳокимиятнинг ҳамда монополияларнинг бу ўзбошимчалигига қарши бирдамлик кўрсатиб, иш ташлаш ҳаракатини тобора авж олдирмоқдалар.

Э. ЧЕПОРОВ.
(АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА КЎРСАТУВЛАРИ, 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.30 — АХБОРОТ, 19.45 — Саноат ходимлари учун кўрсатув. **Ўзбек тилида:** 20.25 — АХБОРОТ, 20.40 — Ҳужжатли фильм, 21.10 — КПСС XXIV съезди қарорларининг тарихий аҳамияти, 21.30 — Концерт, 22.00 — КПСС XXIV съезди делегатлари ҳикоя қилади, 22.15 — Санъат усталари. Зайнаб САДРИЕВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ТОШКЕНТ. Мультфильм, 18.10 — «Ёшлик» кўрсатади, 18.55 — МОСКВА КЎРСАТУВЛАРИ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. **Бахтли одам** (бадиий фильм), 21.15 — Врач маслаҳати, 21.35 — «Китоб жавонида», 22.00 — Концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/IV да **Севги тумори**, 16/IV да **Спартак**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IV да **Олтин девор**, 16/IV да **Мария Стюарт**, 17/IV да **Шоҳ Эдип**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/IV да **Ўғил уйлантириш**, 16/IV да **Нурхон**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IV да **Биринчи бўса**, 16/IV да **Улимларни қолдириб доғда**, 17/IV да **Беш кунлик куёв**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Лўлилар ревюси»** (кеч соат 7 яримда бошланади).

КИНО

Бомон тутқинлари (2 серия) — НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 4, 5 ва кеч 8 да).

Уни яхши билардим — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 4, кеч 6, 8 ва 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Қора қуёш — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7 ва 9 да).

Сеҳрли чакмон (эрталаб соат 10 ярим, кундуз 5 да), **Гул ва тош** (2 серия, кундуз соат 12, 2 ярим, кеч 6 ярим ва 9 да). — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ».

Қочиш (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Бир киши ортиқ — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Секундомер — «ҚЎҚЧА» (кундуз ва кечқурун).

Империянинг емирилиши — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 да).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
17-18 АПРЕЛДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Г. МУХТОРИЙ асари Д. НУРИЕВ музикаси.
СССР халқ артисти Р. Ҳамроев таржимаси
«СЕВИШГАНЛАР ХИЁБОНИ»
(«ҒУНЧА»)
3 парда, 7 кўринишли музикали комедия.
Постановкачи-режиссёр — А. РАҲИМОВ.
Дирижёр — Н. ХАЛИЛОВ.
Рассом — А. ВАЛИЕВ.
Балетмейстер — О. НАЗРУЛЛАЕВ.
Хормейстер — К. САЪДУЛЛАЕВ.
Концертмейстерлар — А. МАЛИНА, М. ФУРМАН.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1971—1972 ўқув йилига сиртқи бўлимининг 1 курсларига
СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институт саноат ва қишлоқ хўжалигида планлаштирувчи ва молия органларида, банклар, давлат статистика органлари ва савдо ташкилотларида ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали иқтисодчилар тайёрлайди:

халқ хўжалигини планлаштириш, саноатни планлаштириш, меҳнат иқтисоди, қишлоқ-хўжалигини планлаштириш, моддий-техника таъминоти иқтисоди ва планлаштириш, савдо иқтисоди, бухгалтерия учёти (саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва банкларда), молия, кредит, капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва унга кредит бериш.

Ўқиш муддати — 5 йил.

Институтга кирувчилар қабул қилиш комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, ўрта мактабни битирганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, характеристика, меҳнат (колхоз) дафтарчасининг нусхаси, 3х4 ҳажмидаги тўртта фотосурат, соғлиги ҳақида справка (286 форма).

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни шахсан кўрсатадилар: паспорт, ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий хизматга мажбурлар) ёки ҳарбий гувоҳнома (чақирув қўшидагилар).

Аризалар 20 апрелдан 31 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 15 майдан 10 сентябргача бир неча потокда ўтказилади.

Кирувчилар: ўзбек (рус), **тили ва адабиёти** (ёзма), **математика (оғзаки), география ва СССР тарихидан имтиҳон топширадилар.**

Справка учун адреслар: Тошкент-63, Олмазор кўчаси, 183-уй, қабул комиссияси. Телефонлар: 44-05-30, 44-18-45, қўшимча 57.

Институтнинг ўқув-консультация пунктлари:

Самарқанд шаҳри, Коммунистический кўчаси, 60-уй, телефон 3-28-64;

Фарғона шаҳри, Калинин кўчаси, 7-уй, телефон 4-20-67.

Нукус шаҳри, Калинин кўчаси, 106-уй, телефон 28-13;

Андижон шаҳри, Тинчлик кўчаси, 1-уй, телефон 57-82;

Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй, телефон 4-87.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Узбек ва рус тилида қуйидаги мутахассисликларга ўқиш учун

Сиртқи бўлимга

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Она тили ва адабиёти, математика, биология, география, тарих, педагогика ва психология, дефектология, кутубхонашунослик ва библиография, бошланғич таълим методикаси.

Ўқиш муддати — 5 йил.

Кирувчилар ректор номига ёзилган аризага: ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат, иш жойидан характеристика, соғлиги тўғрисида справка (286-форма), фотосурат, камида икки йил иш стажига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасидан кўчирмани қўшиб топширадилар.

Ҳужжатлар — 20 апрелдан 30 майгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 30 майдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-64, Педагогика кўчаси, 103-уй.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети аппарати партия ташкилоти ва маҳаллий Комитети Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг масъул ходими Ш. К. Ҳўжаевга онаси Майна НАСРИДДИНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333253. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

№ А.—86. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р-03283.